

# ХАЛҚ СЎЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,  
РАБИ УС-СОНИ, 28-КУН,  
ШАМСИЙ,  
1370 ЙИЛ,  
АКРАБ, 17-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1991 йил 6 ноябрь, чоршанба, 215-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЯН.  
СОТУВДА 10 ТИЯН.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУХТОР ВАКИЛЛАРИ

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ ПАЛАТАЛАРИ ТАРКИБИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЕТИНЧИ СЕССИЯСИ ТОМОНИДАН ВАКИЛ ҚИЛИНГАН ССССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

### РЕСПУБЛИКАЛАР КЕНГАШИДА

**Асқаров Аҳмадали** — Наманган вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 259-Норинкана сайлов округи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодий-гуманитар фанлар бўлими раисининг ўринбосари.

**Аъзамхўжаев Алишер Анварович** — Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 39-Лиги турмуш сайлов округидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ешларга доир сўбат комитетининг раиси.

**Кунназаров Уринбой** — Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 476-Пристань сайлов округидан, Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари кенгашининг раиси.

**Мирзаев Саидрахмон Шобидевич** — Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 6-Оқтепа сайлов округи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири.

**Мирсанов Шукрулло Рахматович** — Самарқанд вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 301-Қорадар сайлов округи, Ўзбекистон Республикаси вице-президенти.

**Ниятуллаев Соғиндиқ Давлетович** — Қорақалпоғистон Республикаси 498-Чимбой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты.

**Отажонов Алихон Рахматович** — 105-Чортоқ сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири.

**Раҳмонов Равшан** — Бухоро вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 175-Саноат сайлов округи, Тошкент давлат муаллимлар институтини Навой филиалининг директори.

**Рўзиев Рундиган** — Қашқадарё вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 208-Темирйўл сайлов округи, «Қарширмонтаж» трести иختисослаштирилган 1-қўчма механизацияланган колоннасининг электр монтажчиси.

**Сарсенов Малик Абилбекович** — 588-Чимбой сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Қорақалпоғистон Республикаси «Аралводстрой» иختисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг бошлиғи.

**Сайдахмедов Исоқжон Мамажонович** — 110-Самарқанд сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Самарқанд бирлашган авиация отрядининг командири.

**Фозилбеков Аҳмабек Иброҳимович** — Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 40-Форобий сайлов округидан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар советининг раиси.

**Файзуллаев Иброҳим** — Сурхондарё вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 355-Куйбишев сайлов округидан, Денов районидан Собир Раҳимов номи жамоа хўжалигининг раиси.

**Фармонов Александр Қосимович** — Тошкент вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 71-Фарҳод сайлов округидан, Бекобод цемент комбинатининг директори.

**Ҳалилов Эркин Ҳамдамович** — Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 36-Чуқурсой сайлов округидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси.

**Ҳолбоғтаев Нуралӣ Қобулов** — Фарғона вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 425-Бувайда сайлов округи, «Чўпон» наشريетининг директори.

**Қаипбергенов Тулепберган** — 566-Хўжайли сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Қорақалпоғистон Республикаси Езувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси.

**Ғуломмажидов Абдували Ғуломович** — Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 9-Ойбек сайлов округи, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

**Ҳабибуллаев Пўлат** — Андижон вилоятидан Ўзбекистон халқ депутаты, 144-Иабоскан сайлов округи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Исиқлик физикаси бўлимининг мудири, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Чет эллар билан алоқалар комитетининг раиси.

**Ҳакимов Эгамберган** — Хоразм вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты, 471-Аваз Утар сайлов округи, «Коммуна» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

**Иттифоқ КЕНГАШИДА**  
**Алдамуродов Бўри Алдамуродович** — 583-Наманган

сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси.

**Аҳмедов Раҳматулло** — 608-Фарғона сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Қува дон маҳсулотлари комбинатининг директори.

**Бадалбова Потима** — Совет хотин-қизлари комитетидан ССССР халқ депутаты, Қашқадарё вилояти Шаҳрибаб район қасалонасининг бош шифокори.

**Зокоров Мунаввархон Закирович** — ДОСААФдан ССССР халқ депутаты, ДОСААФнинг Наманган вилояти Қосоний райониданги спорт-техника клуби бошлиғи.

**Мадиева Қалжон** — Центросоюздан ССССР халқ депутаты, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот райониданги «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиғи 13-бригадасининг ижарачиси.

**Мирқосимов Мирраҳмад Мирқосимович** — 604-Янгийўл сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитетининг раиси.

**Мухторов Аҳмаджон Ғуломович** — ССССР Журналистлар уюшмасидан ССССР халқ депутаты, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари бош муҳаррири.

**Одилов Владимир Тўйчиевич** — КПССдан ССССР халқ депутаты, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари.

**Ориповхон Маҳмуд Матруповович** — 577-Ленин сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари.

**Охунов Пўлатжон Алимович** — ВЛКСМдан ССССР халқ депутаты, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги 4-мактаб директорининг ўринбосари.

**Убайдуллаева Раъно Аҳдонова** — Совет хотин-қизлари комитетидан ССССР халқ депутаты, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисод институтининг фан бўйича ўринбосари.

**Эргашев Ваҳромжон Маҳмудович** — Жамоа хўжалиғи аъзолари Иттифоқ кенгашидан ССССР халқ депутаты.

**Шанаканин Владимир Геннадиевич** — 597-Тошкент-Ленин сайлов округидан ССССР халқ депутаты, ҳарбий хизматчи.

**Қаюмова Тожинояр Исахоневна** — 586-Будунгур сайлов округидан ССССР халқ депутаты, Самарқанд вилояти Иштихон райониданги 33-урта мактаб ўқитувчиси.

## ТўРТ ТОМОНДАВ САДОЛАР

«ХАЛҚ СЎЗИ», ТАСС, ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИЛАР

### ДАВЛАТ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

МОСКВА, 4 ноябрь. (ТАСС мухбирлари Николай Железов, Иван Иванов, Владимир Исаченков). Бугун Кремлда ССССР Президенти Михаил Горбачев раислигида ССССР Давлат Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибда «Хўжирги пайдаги аҳвол» масаласи биринчи бўлиб тўрт томонда шўбулардан бири эди. Барча мустақил республикаларнинг вакиллари асосий шартномага илова қилинган битимларнинг лойиҳалари устидаги ишчи тугалашга интилаётганликларини ва тез орада уларни тасдиқлаш ниятида аналитикаларини изҳор қилдилар. Украина бош вазири Витольд Фокин ҳам шў фикрини билдирди. У ўзининг умуман анчагина танқидий руҳдаги нутқи охирида Украина яқин кунларда шартнома имзолайди, деб ишонтирди. Суверен республикалар ҳукумат бошлиқларининг сўнгги мажлисида давлатлараро иқтисодий комитетнинг раиси лавозимига Иван Силваев номзоди тавсия қилинган эди. Давлат Кенгашининг мажлисида Иван Силваев давлатлараро иқтисодий комитетнинг тузилиши ва штатлари ҳақида маъруза қилди. Бу комитет иқтисодий ҳамжамиятнинг олий органи — ҳукумат бошлиқлари кенгашига ҳисоб берадиган бўлади, деди у. Комитет раисининг ахборотини Давлат Кенгаши инобатга олди, аммо комитетнинг тузилиши ва штатлари тўғрисидаги масалани узи-кесил хал қилишни 12 ноябрга белгиланган навбатдаги мажлисгача кечкиртирди.

Ташқи ишлар ва Мудоофа вазириликларининг тақдирини ёниқ мажлисда кўриб чиқилди. Бу мажлисининг якунлари ҳақида ҳозирча журналистларга ахборот берилгани йўқ.

Ташқи ишлар ва Мудоофа вазириликларининг тақдирини ёниқ мажлисда кўриб чиқилди. Бу мажлисининг якунлари ҳақида ҳозирча журналистларга ахборот берилгани йўқ.

Ташқи ишлар ва Мудоофа вазириликларининг тақдирини ёниқ мажлисда кўриб чиқилди. Бу мажлисининг якунлари ҳақида ҳозирча журналистларга ахборот берилгани йўқ.

### БЕМИНАТУ АРЗОНГИНА...

Марғилоннинг темирйўл бекатида машина пойлаб турган эдим. Шў ерда жойлашган рўзнома ва ойнамалар дўкони сотувчиси «Бу ёққа келинг», — ишорасини қилди. Уша томон юрдим.

— Рўзномада ишлайсиз-а? — биринчи гапи шў бўлди чакривчининг ва тасдиқлаганими кўриб, тундоқкорни тўтиб олгандай, аччиқ саволларни ёғдирди. — Нима, ўзбекча рўзнома чикариш шўнчалар қийинми? Ўзбекистон ақолисининг 80 фонзи маҳаллий халқ, аммо нима учун бизга юборилган нашрларнинг ярмидан йили рус тилида! «Постдавининг» ўзбекчасини мунча оз нусхада босишад! Менинг дўконимга «Халқ сўзи»дан 5 донга юборишад-ю, «Советская Россия»ни 10 дан ортин, Мана, сотимай ётганларни кўриб хулоса чикаринг! Ўзбекча ўқийдиганлар мени ҳар кунини саволга тутташди.

Пештахтадаги биргина ўзбекча нашрини ҳисобга олмаганда, қат-қат терилиб ётган рўзномаларнинг бари — ўрисча.

— Бу ҳақда илгари ҳам ёзганман, лекин жавобсиз қолиб кетди, — ҳамон кўйиб-ёнарди сўхтабдошим. — Ҳўдасангиз, мана шў гапларни менинг номимдан ёзиб чикаринг, Ҳакимов Аҳмаджон...

Ҳақиқатан ҳам ажаб ҳолат. — Бу эски рўзномаларни нима қиласиз! — деб сўрадим.

— Сомсафурушлар олиб кетишад.

Лекин менига ҳаммасабларининг меҳнати хор бўлган ҳам, қайноқ сомсалар рўзнома қозонига ўра лётгани ва босмақона бўёғи билан одаллар захарланган ҳам алам қилди.

Шаҳарнинг қарама-қарши томони-ипакчилар шаҳарчасига йўл олдим. Бу ерда рус ва рус тилида сўзлашувчилар исбнбатан кўпроқ, Рўзнома, ойнамалар со тилданган биринчи дўкон хизматчиси Одилов Мирзаев билан танидим ва:

— Қайси тилдаги рўзнома ва ойнамаларга талаб-қўпроқ! — деб сўрадим.

— Ўзбекчасига. Рус тилидаги нашрларнинг ҳаммаси ҳам сотилиб кетмайд.

Кейин шаҳарнинг қок қарнизига келдим. 26 октябр, шанба кун эди. Одам гавкум, Рўзнома, ойнама дўкони очил, лекин сотувчи ташқарига қўйилган йиғма наравот устидаги турфа майда-чўдалар билан савдо қилиб, қўли-қўлига тегмайд. Очм дўконнинг оғотибда сарғайиб ётган «бойниқлар» билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Рўзномаларни қарайман: «Известия», «Комсомольская правда», «Ветеран», «Советская Россия»нинг 12 октябр соиндан тортиб топилади. Мазҳабнинг ҳолати йўқ, кетдим.

Қўлоғимда Аҳмаджон Ҳакимовнинг тақанг овози жаранглайди: Йил бошида талабнома ёзиб бергандик. Лекин нимагадир ўз-ўзидан ўзбекча рўзномалар сони кам, ўрисчалари икки-уч баробар ортича олиб келинапти...

Азиз мушаррирлар, юқоридагиларни тақдир этиб ўтирмайлик. Аммо воқеаларни жиддий ўрганишга аҳд қилиб қўйдик. Айни пайтда айтмоқчимизки, келгуси йили ўзингиз севган рўзномаю ойнамаларни, шў жумладан «Халқ сўзини» ҳам [ҳамма нашрларнинг солга нархи юқори бўлади] беминнатгина, арзонгина, ёз вақтида ўқиниш истасангиз, обунани расмийлаштириганингиз маълум ва қўлай эмасми! Фурсат жуда оз қолганга, ахир!

МУХТАРАМА.

### ҲОЙДАСИ КАТТА

ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат олий билим-гоҳининг Андижон филиали тўрт кун давомида Иттифоқ миқсиданги меҳмонларни қутди. Бу ерда Москва, Киев, Тольятти, Омск, Санкт-Петербург, Олмаота сингари йириқ шаҳарлардаги текнологик олий билимгоҳларнинг ректор, проректор, кафедра мудирилари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш маркази вакиллари йиғилдилар. Бу-

туниттифоқ ўқув-методик хайратининг кўчма йиғинида филиалининг маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига мутахассис етказиб бериш тажрибаси ўрганилди. Сўнгра ўқув режаларини ҳаётга мослаш ва тақомиллаштириш, янги мутахассисликлар бўйича шў кун талаби даражаси да қадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди.

Ш. ҲОЗИЛЖОН.

### БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. С. Шўшкевич бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 5 ноябрь кунини Тошкентга келди.

Делегация таркибида Олий Кенгаш раисининг ўринбосари В. И. Шолодонов, Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари В. А. Заламай бор.

Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан беатилган Тошкент аэропортида С. С. Шўшкевич, бошқа раҳбарларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсанов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги вазирлар

маҳкамаси раисининг ўринбосари У. К. Исмомов, Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Бугров кутиб олдилар. Делегация музокаралар олиб бориш ва республикалар ўртасидаги шартнома имзолаш учун келди.

## Водийларни яёв кезганда...

ХОМ АШЕ БИСЕР, ИП УЗЛАРИДАН ЧИҚАДИ ФАРҒОНА. Ленин райониданги Қирпоч қишлоғида ип-яғириву корхонаси ишга тушди.

ВОҲДАЛИК корхоналардан дастоқлар нептирилди. Эзеллари тазмирланди. Қишлоқ хотин-қизлари ишга жалб қилиндилар. Бўш қолган дастоқларни юрғизиш мақсидида қўшни «Ғалаба» жамоа хўжалиғида истикомат қилётган аҳоли тақлиф этилди. Хом ашё бисёр. Узоқдан ташиб келиришга ҳожаат йўқ. Шў боис цех ишчилари кунига 500 килограммдан зиёд ип яғириву япди.

Х. ЮНУСОВА.

ЯНГИ ТУРКУМ МЕБЕЛЛАР ТОШКЕНТ. Ўзбекистон инара корхонасида «Сирга-

ли-16», «Наврўз» деб номланган лғги туркум уй жиҳозлари тайёрланапти. Бежирим, унинг истаган томонига ўратилган қудайлиги билан бу мебеллар турдошлардан фарқланади, шў боис дўконларда кўриниши захотайёқ харидорлар эътиборини тортапти. Бу хил уй жиҳозлари навиноҳол ойналарга имтиёзли ажраталапти.

Н. ТОШЕВ.

МАОШ КўПАЙДИ ХИВА. Пахта тазалаш заводи ишчиларининг ойли маошига 20 сумдан қўшилди.

КОРХОНАДА пахта намлигини сўриб кўришдаги меола, малар ўратилди. Хом ашё икки-уч бора қўрилмадан ўтказилган, сифати бўзилмайд.

Ёнғин чиқиш ҳоллари барҳам

## РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА


Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг фармойишига биноан Олий Кенгаш сессияларига амалда тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни тақомиллаштириш мақсидида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларидан ишчи гуруҳларини тузиш мақсдага мувофиқ деб топилди.

18 ноябрь кунини очиладиган навбатдаги VIII сессияга тайёргарлик кўриш учун Иқтисодий ислохот, бюджет сибсати ва маҳаллий ўзин-ўзи бошқарув комитети раиси Эркин Норматович Ҳўжаев бошчилигида шўндай гуруҳ тузилди. Гуруҳга Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг вакиллари кирдилар.

Ишчи гуруҳи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида Олий Кенгаш фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, депутатлар муҳоамасига тақдим этиладиган материалларга дастлабки ишлов бериш, оммавий ахборот воситаларининг Олий Кенгаш ишини ёритиши, шўнингден сессия чоғида депутатларга ташкилий-техникавий ва бошқа хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал қилади.


5 ноябрь кунини ишчи гуруҳининг дастлабки ташкилий мажлиси бўлди, бу гуруҳ 11 ноябрдан бошлаб VIII сессия очилгунига қадар Олий Кенгаш биносида ишлади.

Сиз сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча масалалар бўйича ўз тақлифларингизни (кун тартибига қўшимча тақлиф этиладиган масалалар Олий Кенгаш иш тартибига мувофиқ ишлаб чиқилиши керак) қўйидаги маъзилга юборишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг раёсати, Ўзбекистон республикаси халқ депутатларининг ишчи гуруҳига юборишингиз ёки қўйидаги телефонлар орқали хабар беришингиз мумкин: 39-55-79; 39-85-83; 39-85-07; 39-86-54; 39-85-81.



ОТАЖОНОВ  
Алихон  
Раҳматович  
— Республика  
Кенгаши  
раисининг  
ўринбосари

ОДИЛОВ  
Владимир  
Тўйчиевич  
— Иттифоқ  
Кенгаши  
раисининг  
ўринбосари







# ЛАБЗИ ҲАЛОЛИМИЗ СИЗГА, МУШТАРИЙ!

— Сийёсий мустақиллиги эълон қилинган Ўзбекистон иқтисодий-молиявий жиҳатдан оёққа мустақим туриб олиши йўллари қай тарзда излаб топажга қизиқсангиз;

— халқ депутатларининг, маҳаллий советлардан тортиб Олий Кенгашга бўлган ҳокимият мақамларининг жўшқин фаолияти, улар ишининг демократиялашуви суръатларидан, бу борадаги тўсиқлар, қийинчиликни енгиш қандай бораётганидан беҳабар қолмасликни;

— Олий Кенгашда қабул қилинган қонулар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлатларaro шартномалару битимлар иқтисоднинг боришни кузатиш;

— маданий ҳаёт, адабиёт, санъат янгиликларидан, энг яхши бадиий асарларни ўқиб боришдан баҳра томоқни;

— ахлоқ-одоб, оила ва никоҳ, дину диёнат, таълим-тарбия, тарихий қадриятлар, ўтмиш мероси, буюк аجدодларимиз ҳақидаги мақолаларни ўқиш;

— кўп партиявийлик шароитида ҳур фикр, эркин сўз, овоз ҳаракат қўламларини таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқининг, қадр-қимматининг устиворлиги ва дахлсизлигини эришиш жараёни жангу жадалларидан хабардор бўлишни;

— халқ ҳўжалиги барча тармоқлари, шаҳару қишлоқлардаги меҳнат жамоалари, хизмат тармоқлари, иккаричилар, тижоратчилар, ишбилармонлар, ҳунармандлар нелар билан шўғулланишга қизиқсангиз;

— табиатга, атроф муҳитга, ер ости ва усти бойликларига таҳдид солувчилар йўлини тўсмақчи, Оролни қутқаришга қатнашмоқчи ихтиёр қилсангиз;

— бозор иқтисодиёти машаққатлари, нарх-наво бебошлиги исқанижасидан омон-эсон чиқиш, енгил-елпи усуллар ида бойлик орттириш ҳўрсига тушган ва бунга бемалол эришадиган қазовлар нафисни дадил тийиш учун курашдан четда қолмасликни;

— жилови ўз бўйига ташлаб қўйилган ва кун сайин қўтариётган беаёв жиноятчиликни таг-томири билан қўришти борасидаги таклифларингизни билдиришни;

— сийёсий-ижтимоий ўзгаришлардан, мустақил республикалар, аввало Ўрта Осиё ва Қозғоғистон ҳудудидан давлатлар, СССР тасарруфидан чиққан ўнлаблар, эллар, хоржий мамлакатлар, халқаро ташкилотлару уюшмалар фаолиятига доир хабарлардан огоҳ бўлишни;

— қўвонч қайғунгизни, дарду ҳасратингизни, ўй-ташвишнингизни, ҳуллас, дилнингизда борини наҳор эттишни;

— қисқаси: содид дўст, бемиянат маслаҳатчи, дилкаш суҳбатдош, самимий сирдош орттиришни истасангиз:

## «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЁЗИЛИНГ ВА УНИ ЎҚИНГ

Рўзномага обуна бўлиш шартлари, бақоси ўзингизга матлум, Расмийлаштириш йил бўйи давом этади.

Ўйсин ишончингизни оқлашга, 8 насиб, ҳозиргу нозирмиз. Сизлардан хатлар, хабарлар, мақолалар кутамиз.

Намоли ахтиром ила:

«Халқ сўзи» тахририяти.



Ҳозирги кунда таэквандо кураш усули дунёга кенг тарқалмоқда. «Ўзбекистонда бу спорт турининг иккинчи ватани ҳисоблайман» — деганди шахматга таъриф буюрган Халқаро таэквандо федерациясининг президенти, генерал Чой Хон Хи. Генералнинг гапларида жон бор. Чунки ҳозирги пайтда жумҳуриятимиз СССР терма командасига

малакали спортчиларни етказиб бераётган ягона ўлкадир. Халқорлариямиз орасида жаҳон чемпионати совриндорлари ҳам бисёр.

СУРАТДА: Тошкентдаги «Динамо» спорт клубида машқ пайти.

И. ШЕРБЕК олган сурат.

### КОНУН ЛОЙИҲАСИГА МУНОСАБАТ ХУҚУҚ ЧЕКЛАНГАНДА

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 25-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган сийёсий партиялар томонидан кўрсатилади, дейилган. Мазлумки, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 3 мингга яқин аъзои бирлаштирган «Эркин партияси» мавзуда Янги Халқ демократик партияси тузилди. Шу ўринда 10 миллиондан ортиқ аъзони бирлаштирган, қонуний рўйхатдан ўтказилган жамоат ташкилотини — Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси ва бошқа жамоат ташкилотларининг Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи чекланмаганини!

Менимча, қонун лойиҳасининг шу бобидаги «Сийёсий партиялар» сўзидан кейин «ва жамоат ташкилотлари» томонидан кўрсатилади, дейилди, 1-абзацдаги «Корпорациялардан сўзидан кейин «Жамоат ташкилотларининг пленумларида кўрсатилади» деб ўзгартириш лозим. Ана шундангина 26-модданинг 1-абзацдаги жумлалар тўғри ва адолатли ёзилган бўлиши мумкин.

М. МЕНГЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик-Саноат вақимчи хўжалиқлари касабаси уюшмаси Нурота район комитетининг раиси.

## Журналист кузатуви РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

Апрель ойининг ўрталари эди. Биз тонг саҳарлаб кунчиқар томон олтиш қақиримча йўл юриб, Қизилқум яйловларига етиб келганимизда кўш арқон бўйи қўрилганди.

Кум барханларидан ошиб, кўзин қамаштиргудек яшил қирда тўтатдик. Машинадан тўшиб бегубор ҳовдон тўйиб-тўйиб нафас олдик. Кўм-кўк йилқлар, оқ-сарик пушти, бинафша кўм лолалари дилмизини яйратди. Шаҳар, қишлоқлардаги чанг ва тутунлардан димқиқан димоқларимиз тиниқ ҳаво «суви» билан «ювилиб» тозаланди гўё.

«Қарағ-а, бу ерларнинг ҳавоси Қисловодскиқидан ҳам соф-а, — деди ҳамроҳим. Чунки қўйларнинг ашаддий душмани бўлган қаналарни ва бошқа зарарли курт, қумурсқаларни ейди. Шундангир унга озор бериш гуноҳ саналади.

— Ривоят қилишларича, — дед сўзини давом эттирди у, — қадимда бир подшо йул билан овға чиққан экан. Саҳрода узоқ юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ови юришмай узига қайтибди. Чарчаб бир

ялангликда дам олиб ўтиришса, олдиларидан каттактон тошбақа ўтиб кетибди. Кейингидеки бу ривоят тошбақа одамларга дўстлиги сабабли, унга озор беришларини йўлдан қайтариш мақсадида тўқилган бўлса ажабмас.

— Йўловда унинг душмани ҳам бордир! — сўрадим ундан.

— Айтишларича, гўшти жуда мазали эмиш, бургут унинг ёви. Уни кўриб қолса, пастлаб учиб келиб панжалари орасига олади-да, юқорига кўтарилади ва баландга чиқариб ташлаб юбореди, кейин тошини ажратиб ейди.

— Қарағ-а, унинг ваҳшийлигини, — дедим ҳайратимни яширолмай.

— Чўпонлар бор жойга бургут йўлламайди, қуролдан қўрқадди. Жониворларнинг кўниси ҳам шундан, — деди сўзига яқун ясаб ҳамроҳим.

Она табиатнинг ана бир мўъжизали сиридан воқиф бўлиб ҳамроҳлар билан йўлимизда давом этдик.

О. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Ҳозир тайёрагоҳ Ил-76, Ил-86 тилидаги замонавий ҳаво кемаларини ҳам қабул қиле олади.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## ТАЙЁРАГОҲ ИШЛАМОҚДА

Эсингизда бўлса Урганч тайёрагоҳи биноси йил бошида кучли ёнгиндан жиддий зарарланган эди. Утган вақт мо-

байнида учин-қўнниш йўлакларига мустақим қопламалар ётқизилди. Парвоз майдони анча кенгайтирилиб, бино қайта таъмирланди.

## Шахсий мулоҳазалар

КўПДАН бери тиламчиликни ўзларига касб-кор қилиб олган кишилар ҳуқуқини эсмоқчи бўлиб юргандим. Гадоиччилик жамият нуқсоними ёки унинг даволаб бўлмас бир хасталигинимикан, деб ўйлаб қоламан баъзида. Азал-азаллардан, хоҳ бой ёки қашшоқ давлат бўлсин, барибир, унинг ўз гадоларини тиламчилари, девоналарини дарвешлари бўлган.

Ушда ҳам бу каби тиламчилар анчагина. Улар одамлар гўж бўлган жойларда, йўл четларида қўнни топиб, қада берсалар, бермасалар-да, одамлар ҳақига дуо қилиб, фотиҳага қўл очиб ўтирадилар. Тиламчиларини шаҳар бозорига кириверишдаги ерости йўлида, Оқбура сойи узра ястанган қўриқларда, автовокзалларда учратиш мумкин. Йўл, мен бу билан уларни тирқиратиб қўниб тобориш керак, деган фикрлар йироқман. Шу билан бирга уларнинг оқлаш ниётида ҳам эмасман. Бир оддий инсон сифатида уларни фақат тушуноқчиман. Назаримда сўнги пайтда тиламчилар сонини тобора ортиб бораётгандай. Улар орасида нуруний чўллар, кумуш соғли қамирлар, амизиқли, болали аёллар бор. Менимча бу «урчиш» давлатимизнинг

дан музаймоқ қолдиқларини олиб, идишга солар, қозғонин эса обдон тозаланиб яларди. Кейин яна кўннини титиллаб бошларди. Усти боши тоза, сочларини силдиқ таралган бу мўйсарфид қўша-қўйла юрган бошпанасиз намирлар ўшамасди. Сўраб-сурштир-

эскириб кетган Раҳимн келин 3 сўм тутқадим. У шопан кўни миннатдорчилик биланга кетди.

Мен бу гапларни таъна қилиб эмас, балки фикрнинг исботлаш учунгина келтиришман, ҳолоқ. Ҳозирги пайтда кимдир қабоб еб, қолдиқини бировга қолдири-

## Нуқтаи назар МЕНИМЧА...

Сир эмас: сийёсий мустақиллик неғизда иқтисодий куч-қувват, эркинлик ётади. Ҳозиргина ҳам ашё етказиб бериш эдики. Истагимиз-йўқим, бир неча йил — қадри ростида даврда асосий соҳамиз кишлоқ ҳўжалиги бўлиб қолаверди. Бу эса пахтага муносабатини тўздав ўзгартаришни, уни айирбошлаш масалаларини жаҳон савдо теомилларига мос равишда уюштиришимизни тақозо этади. Ва шундай қилишимизга мустақил давлат эканлигимиз ҳуқуқий изн беради. Энди биз пахтани етиштиришдан тортиб, то ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда сотиш жараёнларига бўлган ишларни мустақил амалга оширишимиз лозим. Гап бу ерда шов-шувга сабаб бўлган мустақиллик тўғрисидаги қонунийнинг расмий қозғондан ҳаётга кўчиши устида бормоқда. Шу пайтгача қонуннинг амалиёти билан ҳеч ким қизиқмади. Эндилкида биз режими четдан белгила-масликларини, қўлдек ишлатиб, эвазига оммавий суратда катта-кичик раҳбарларимизни ноҳалолликда айблашмасликларини, турмаларга тикмасликларини истаймиз. Чунки бировнинг юртида қаҳрамонлик курсатишга тайёр турган ҳуқуқшунослару «адолат изкувар»лари ҳали ҳам истаганча топилади. Бунга йўл қўймаслик эса бизнинг бугунги қадимларимиз, теъкорлиғу тийрақчилигимизга боғлиқ. Ҳа, «хурлик беришмайду, олинур» деган Бехбудий минг қарра ҳақ эди. Ҳаракат ўзимиздан бўлмаса, баракани ҳеч ким қўш қўллаб тутқазмайди. Демак, улқамиздаги кичик бир чўнга ҳам ўзимиз нарҳ қўйишимиз керак экан.

Ҳом ашёни қайта ишлашга жумҳуриятимиз ишлаб чиқариш корхоналари ҳозирча мосланмаган. Демак, Ўзбекистон чет қорхоналарга ҳам ашё бериб қолмасдан, тайёр маҳсулотни сотишда ҳам шерикчилик қила оладиган бўлмоғи зарур. Тузилмадан шартномаларга худди шундай қондини киритиш биз учун фойдали.

Менимча, худлик билан ҳақ қилиш лозим бўлган асосий масала — Барча иқтисодий-сийёсий кўчларни бирлаштиришдан иборат. Ҳар бир гўрўх ҳозирги таълимнинг келиб чиқиши, сабабларини турлича изох-лейди, мақсад битта, аммо кураш йўллари ўзига хос. Шунинг учун илхот тарafdорлари бўлган ҳамма сийёсий кўчлар бир-бирларини сийёсий сўқирликда, шахсий манфаатларини кўзлайди деб айбланиш бас қилиб, жамиятни инқирозга олиб келган асосий қусурларини биргаликда аниқлаб олишлари жуда мўҳим. Аслида кимки шу кўннинг мураккаб жиҳатларини тушунамас экан, бу унинг фожаси, ҳолоқ. Ўз «фожаси» учун ўзгаларни айблаш сийёсий шабуўрликдир. Ишию сўзи билан йўлида сарфлаётган, бутун кўнни одамлар манфаати йўлида сарфлаётган ишбилармонларни эса фақат табрикламоқ керак, деб ўйлайман.

Озод ТОЛИБ.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ: ҲАРАКАТ ДОИРАСИ

МЕҲНАТ ҚУВОНЧГА  
АЙЛАНИШИ УЧУН

Ўзбекистон кўзи оқиллар жамияти саноат қорхоналарида бу йил одамларнинг шикастланмиши икки баравар камайди. Янги тармоқ касабаси уюшмаси кўп йиллар давомида тўпланиб қолган меҳнатни муҳофазаси қилиш муаммоларини ҳал эта бошлади. Зарур машина-ускуналарни сотиб олиш, цехларни ремонт қилиш учун 300 минг сўм пул сарфланди. Бу маблагларни бир қисми касабаси уюшмаси томонидан ажратилган бўлса бир қисми шу қорхоналар иқтисодий сўғурта жамғармасидан олинди.

Ана шу пул эвазига қорхон цехида вентиляция ўрнатилди, иш жойлари ва кийимларни ечиб қўйиш хоналари жиҳозланди, Чирчиқ ишлаб чиқариш қорхонасининг томи ремонт қилинди, вентиляция ишлаб ўрнатилди. Свердлов ишлаб чиқариш қорхонасида иситиш тизими обдон созилаб қўйилди. Бир-икки йил олдин тармоқда ҳарқисиллик техникаси ва меҳнатни муҳофазаси қилиш энг қийин масалалар эди. Ҳар бир кенгашда меҳнатнинг ҳавфсиз усуллари, химоя воситалари сусткашлик билан жорий этилаётганини учун ташкилотларнинг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинар эди. Самарқанд, Марғилон комбинатларида, Қорқалғоғистон ва Термиз қорхоналарида жиддий нуқсонлар тўғрисида санитарий-эпидемиология станциялари

домий эътироз билдирир эди.

Ҳозир ана шу муаммоларини ҳал этиш учун касабаси уюшмасининг таъаббуси билан меҳсул жамғарма берпо этилмоқда. Бу жамғарма маблаг фақат меҳнатни муҳофазаси қилиш учун сарфланади.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,  
МУАЛЛИМЛАР  
ШИФОХОНАСИ

Фарғонада муаллимлар учун ташкил этилган санаторий-профилакторий дастлабки дам олувчиларини қабул қилди. Бир вақтингизда 200 киши дарланадиган янги соғломлаштириш маркази вилоят муаллимлар мажлисининг ошатиш илмоғига қўшни уч қаватли бинога жойлашган, бу эса кўпгина педагоглар учун қўлай шароит яратди. Бу ерда улар ўқишдан бўш вақтларида деҳқонлик, вентиляция ишлаб ўрнатилди. Свердлов ишлаб чиқариш қорхонасида иситиш тизими обдон созилаб қўйилди. Бир-икки йил олдин тармоқда ҳарқисиллик техникаси ва меҳнатни муҳофазаси қилиш энг қийин масалалар эди. Ҳар бир кенгашда меҳнатнинг ҳавфсиз усуллари, химоя воситалари сусткашлик билан жорий этилаётганини учун ташкилотларнинг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинар эди. Самарқанд, Марғилон комбинатларида, Қорқалғоғистон ва Термиз қорхоналарида жиддий нуқсонлар тўғрисида санитарий-эпидемиология станциялари

БОШ МУҲАРРИР Аҳмадҷон МУҲТОРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП  
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Вузуртма № 6307. 118800 нуқсуда чоп этилади

ЎЗБЕКИСТОН